

«Раъйини қайтаролмадим»



07:10 / 06.07.2019 1424

Ато ибн Абу Рабоҳ халифа Сулаймон ибн Абдулмаликнинг эшиги олдига келиб, ҳалқасини тақиллатди. Сулаймон ибн Абдулмалик: «Эшикни очинглар», деди. У киргач, ўтирган жойидан бир оз сурилиб, унга жой берди. Ато ибн Абу Рабоҳ халифага: «Аллоҳ сизни ислоҳ қилсин, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳожирлар ва ансорларнинг фарзандлари ҳақидаги васиятларига риоя қилинг», деди. Халифа: «Уларга нима қилайин?» деди. Ато: «Уларнинг ризқига (нафақасига) эътибор қилинг», деди. Халифа: «Яна нима?» деди. Ато: «Бадавийларнинг^[1] ишларини назорат қилинг, чунки улар арабларнинг асосидир», деди. Халифа: «Яна нима?» деди. Ато: «Мусулмонларнинг зиммасидаги ишларни текширинг, зиммаларидаги солиқларни камайтиринг. Чунки улар Аллоҳнинг ва ўзларининг душманларига қарши сизга ёрдам беради», деди. Халифа: «Яна нима?» деди. Ато: «Чегарада яшайдиганларнинг ҳолидан хабар олиб туринг, чунки халқнинг мудофааси улар ёрдамида бўлади», деди. Халифа: «Яна нима?» деди. Ато: «Аллоҳ мўминларнинг амирини ислоҳ қилсин!» деди ва чиқиб кетди. Халифа эса Ато ибн Абу Рабоҳнинг жасоратидан ва қилган насиҳатидан қаттиқ таъсирланиб, «Аллоҳга қасамки, бизнинг шарафимиз шараф эмас, мана шу ҳақиқий шараф. Бизнинг раҳбарлигимиз ҳақиқий раҳбарлик эмас, ҳақиқий раҳбарлик мана шу. Аллоҳга қасамки, (у кирганда) худди ёнида иккита фаришта бордек эди. У сўраган бирор нарсага «Йўқ», дея олмадим. Агар мендан шу ўтирган тахтимни бўшатиб беришимни сўраса ҳам бўшатиб берган бўлардим», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан

[\[1\]](#) Саҳрода яшайдиган араблар.